O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 11 июль ШАНБА

№ 55 (12.170)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ЭНДИ ШИЙПОНДА УЧРАШАМИЗ

Мустақилликнинг 18 йиллигига

**Ҳозир вилоятимизнинг қайси туманига борманг, уфқларга туташган пахтазорлар, мевалари ғарқ пишган жаннатмакон боғу роғларнинг бир чеккасида ниҳоятда нозик дид билан, мўъжаз ва замонавий услубда қурилган дала шийпонларига кўзингиз тушади. Улар қишлоқ мулкдорлари, ер эгалари бўлган фермерлар ва хўжалик аъзоларининг иш юритишларидан тортиб овқатланишлари, ҳордиқ олишлари учун ўзида барча шарт-шароитларни мужассам этган шинам ва қулай масканга айланиб қолди.**

Бундай шийпонларни замонавий тил билан "офис" деса ҳам бўлади. Энг муҳими, бундай дала шийпонлари мустақиллик туфайли шаклланиб, бугун аграр тармоқда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб улгурган фермер хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан барқарорлашиб бераётганидан ҳам далолатдир.

Кейинги йилларда энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган Ватанимизнинг эрк ва озодлик айёми арафасида марказдан тортиб, энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланди. Эндиликда бундай латиф учрашувлар ана шундай дала шийпонларида – табиат қўйнида ўтказилмоқда. Уларда иштирок этаркансиз, оддий инсонлар, дала меҳнаткашлари юз-кўзидаги шодлик ва шукроналикни кўриб қувонасиз. Шу азиз Ватан, унинг эртанги истиқболи учун ёниб, курашиб яшаш ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёт мазмунига айланиб бораётгани шоҳиди бўласиз. Ва албатта, қишлоқликлар ҳар сафар бундай учрашувларни катта ҳаяжон ва соғинч билан қарши олаётганликларини илғайсиз.

– "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ тузилган маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари таркиби юртимизнинг кўзга кўринган олимлари, шоир ва ёзувчилари, эл ардоғидаги санъаткорлардан иборат, – дейди вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Суяр Қурбонқулов. – Жойларда улар иштирокида уюштирилаётган маърифий учрашувлар, кўнгилочар кечалар Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда юртимиз юраги бўлмиш азиз ва муаззам пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи арафаларида ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Уларда мустақил диёримизнинг тарихан қисқа даврда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган оламшумул ютуқлари, Юртбошимиз асос солган мустақил тараққиёт йўлимизнинг ўзига хос жиҳатлари, оддий инсонлар турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришлар, шунингдек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган муҳим ижтимоий дастурларнинг мазмун-моҳияти атрофлича очиб берилмоқда. Тадбирларнинг бадиий қисмини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, байрамона руҳ шоирларимиз сўзи, созандаларимиз сози, ҳофизларимиз хуш нафаси билан одамлар кўнглига кириб бораяпти...

Дарҳақиқат, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон шаҳарлари, Зангиота, Қибрай, Паркент, Пискент, Бўстонлиқ, Тошкент, Оҳангарон туманларида бўлиб ўтган байрамолди учрашувларда юртимизнинг кўзга кўринган олим ва сиёсатшунослари Тўра Мирзаев, Муқимжон Қирғизбоев, Рустам Рўзиев, Шавкат Ҳаитов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли адиблар Темур Убайдулло, Нурали Қобул, Шавкат Туроб, Ашурали Боймуродов, Зарифа Эралиева, халқ артистлари Санъат Девонов, Муҳаммадали Абдукундузов, Муножат Йўлчиева, Марям Ихтиёрова, эл суйган хонандалар Тошпўлат Маткаримов, Анвар Ғаниев, Диёр Маҳкамов ҳамда пойтахт театрларининг таниқли актёр ва актрисалари иштирок этишгани тадбирларга чинакам файз-тароват бахш этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



## ЯНГИ БОҒНИНГ ИЛК МЕВАСИ

*Оҳангарон туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган "Равшан – Шодлик зиёси" фермер хўжалиги янги ҳосилга кирган 2 гектар боғдан аҳоли дастурхонига 1 тоннага яқин сархил ўрик етказиб берди. Айни вақтда боғдаги нок ҳам пишиб етилмоқда.*

*– Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 5 гектар тошлоқ майдонни ўзлаштириб, гилос, олча, шафтоли ва олма ниҳолларини ўтқаздик, – дейди фермер Тожинисо Равшанова. – Парваришга яраша уларнинг ривожи яхши. Келаси йил хўжалигимизда мева қуритиш ҳамда қайта ишлашга мўлжалланган ускуналар сотиб олиб, кичик цех очиш ниятидамиз.*

СУРАТДА: Тожинисо Равшанова ҳосил чўғидан мамнун.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 33 645 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 66 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 33 645 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 66 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 8 июль.

*Вилоят ҳокимлигида*

## КАМЧИЛИКЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Вилоят ҳокимлиги болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича доимий комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси Содиқ Абдуллаев бошқарди.**

Йиғилишда комиссия аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят касаба ташкилотлари, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда касаба қўмиталари раислари иштирок этишди.

Йиғилишда соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги мавсумнинг бориши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, ёзги оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбатида 10511 бола қамраб олинди.

Шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳларнинг аксариятида болалар таътилни кўнгилли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Маънавият хоналари ва кутубхоналарда тарбиявий-маърифий ишлар режали олиб борилаётир.

Шу билан бирга йиғилишда айрим оромгоҳларда болаларни қабул қилиш қоида ва меъёрларига тўлиқ риоя қилинмаётгани, бир қатор шаҳар ва туманларда мактаблар қошидаги оромгоҳларни молиялаштириш пайсалга солинаётгани танқид остига олинди. Бўстонлиқ, Паркент, Юқоричирчиқ туманлари ва Ангрен шаҳрида бундай оромгоҳлар етарли шарт-шароитлар яратилмаган ҳолда очилган. "Тонг" оромгоҳининг очилиши кечикиб кетмоқда.

Йиғилиш кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**Ёзги таътил кунлари ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариш имкониятига эга эмас. Табиийки, уйда қолганлар ҳам ёзни мазмунли ўтказишни истайдилар. Шу боис "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши "Ёзни – "Камалак" билан!" лойиҳасини амалга ошириб келмоқда.**

## «КАМАЛАК» ЖИЛОЛАРИ

Унга асосан, Оҳангарон шаҳрида деворга расм чизиш бўйича ўтказилган мусобақада «Гулистон», «Бахт», «Адолат» маҳаллаларининг ёшлари катта қизиқиш билан иштирок этишди.

Зангиота тумани Бўзсув қишлоғида жойлашган ёшлар ижтимоий хизматлари марказида эса ёзги оромгоҳларга жалб этилмаган болалар ўртасида спортнинг шахмат-шашка, арқон тортиш, футбол турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Унда 50 нафар бола ўзаро куч синашди. Ангрен шаҳридаги "Турли тилда сўзлашамиз" тўгараги маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, инглиз тили бўйича билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

**Шоира ОҲУНЖОНОВА.**

*Болалар ёзи*

## БАРЧА ШОДЛИК УЛАРГА

**Шу кунларда сўлим табиат қўйнидаги оромгоҳлар болалар билан гавжум. Улар учун барча қулайликлар яратилиб, турли маданий-маърифий кечалар, танловлар ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Ўн турдан зиёд тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.**

Бу йилги таътил мавсумида оромгоҳларда жами 25 минг 540 ўғил-қиз ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Шундан 13 минг 740 нафарини шаҳардан ташқари стационар оромгоҳларда ижтимоий суғурта, касаба уюшмалари, ота-оналар ҳамда хўжалик идоралари маблағлари, 11 минг 800 нафарини эса, умумтаълим мактаблари ва коллежлар қошидаги кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш режалаштирилган. Кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари жойларда ҳокимликлар ҳамда ҳомийлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Шунингдек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқларда кам таъминланган оилаларнинг 275, хизмат даврида ҳалок бўлган вилоят ички ишлар ходимларининг 30 нафар фарзандлари, вилоят меҳрибонлик уйларининг 160 нафар, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 350 нафар тарбияланувчилари касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидаан имтиёзли дам олдирилади.

Ҳозир вилоятимиздаги 12 та шаҳардан ташқари болалар соғломлаштириш оромгоҳларида биринчи навбатда 3646 бола ҳордиқ чиқармоқда. Уларнинг 800 нафари Хоразм вилоятидан. Айни кунда тўртта оромгоҳда мавсумнинг иккинчи навбати бошланди. Мактаблар қошидаги 95 та кундузги соғломлаштириш оромгоҳларига 9680 бола жалб этилди. Улардан 5915 нафари мавсумнинг биринчи қисмида дам олди.




– Узоқ Хоразмнинг Шовот туманидан келдим, – дейди Ҳуснора Қадамбоева. – "Сумча" оромгоҳи Бўстонлиқнинг энг сўлим жойида ташкил этилган экан. Бу ерда ҳар бир кун мароқли, мазмунли ўтиши учун тарбиячиларимиз, оромгоҳ маъмурияти барча шароитларни яратиб беришган. Биз ўртоқларимиз билан маънавият кечаларида турли мавзуларда қизиқарли суҳбат қурамиз. Спорт мусобақаларида куч ва имкониятларимизни синаб кўрамиз. Табиатнинг бу қадар хушҳаво, такрорланмас манзарага эга гўшаси бизни чексиз қувонтирди. Кўплаб дўстлар орттирдик.

Дарҳақиқат, оромгоҳларда ҳар бир кун аниқ мақсад ва режа асосида ўтади. Болалар учун тасвирий санъат, моҳир қўллар, юмшоқ ўйинчоқ ясаш, миллий рақс каби 10 га яқин тўгарак фаолият кўрсатмоқда. "Саломатлик" спартакиадасида болалар спортнинг 7 тури бўйича баҳслашишади. Яқинда, шундай мусобақа "Бойчечак" ва "Сумча" оромгоҳларида бўлиб ўтди. Ғолиб ва иштирокчиларга вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қошидаги жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг совға-саломлари топширилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**

СУРАТДА: болаларнинг ёзги таътил мавсуми кўнгилли ўтмоқда.

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

*Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан*

**Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Гулла, яшна, гўзал Тошкентим!" мавзуида болалар бадиий ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бош бошқармаси, ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.**



## ГУЛЛА, ЯШНА, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни соғлом тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялаш, қалби ва шуурига она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, тарихимизга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда азим шаҳримиз юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида туркум маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Тарихий-маданий аҳамиятга молик иншоотлар, ёдгорлик ва обидаларга мактаб ўқувчиларининг саёҳатларини ташкил этиш, истиқлол йилларида бунёд этилган майдонлар, музейлар, болалар бадиий ижодиёт марказлари, галереялар, кўргазма залларида тарихчи олимлар, археологлар, санъатшунослар иштирокида маънавият сабоқлари, жонли мулоқотлар, учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланди. Пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган болаларнинг энг яхши расм ва иншолар танловлари, миллий қўшиқ ва рақс, техник ижодиёт фестиваллари уларнинг жонажон Тошкентимиз тарихига оид билимини бойитиш, истеъдод қирраларини кашф этиш учун кенг имкон яратмоқда.

"Гулла, яшна, гўзал Тошкентим!" болалар бадиий ижодиёт фестивалида шаҳримиздаги мактаблар қошида фаолият кўрсатаётган қирққа яқин болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган ўғил-қизлар иштирок этди. Жамоалар "Тошкент: кеча, бугун, эртага" мавзуида асфальтга расм чизиш, мусиқа ва рақс санъати, спорт, авиамоделсозлик ва бошланғич техник моделлаштириш йўналишларидаги ижодий беллашувларда ўз билим ва маҳоратини намойиш этдилар.

Тадбирда пойтахтимиздаги ўқувчилар ижодиёт марказларининг бадиий жамоалари ижросида мусиқий дастур намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**



# ЭНДИ ШИЙПОНДА УЧРАШАМИЗ

Умуман, шу кунгача ўтказилган учрашувларда 50 га яқин олим ва сиёсатчилар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар икки мингдан зиёд юртдошларимиз билан учрашиб, дилдан суҳбатлашдилар.

Юқоричирчиқ туманидаги "Прима Агробизнес" фермер хўжалигининг янгитдан қурилган замонавий ва кўркам дала шийпонида бўлиб ўтган учрашув ҳам ғоят самимий руҳда ўтди. Чор атрофи боғ-роғлар билан ўралган хушманзара шийпонга йиғилган қишлоқ нуронийлари, фермер хўжалиги аъзолари, ўқитувчилар ва ёшлар Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг она юртимиз истиқлоли, деҳқонларимиз меҳнатини мадҳ этувчи ҳароратли дил сўзларига қулоқ тутдилар, янги шеърларидан баҳраманд бўлдилар. Миллий телерадиокомпаниянинг сиёсий шарҳловчиси Ғафур Жамолов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти билан олиб бораётган манфаатли алоқалари ҳақида гапириб берди. Ўзбекистон Фанлар академияси катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Нурмурод Чинниқулов эса мўътабар она тилимизнинг минг бир жилолари хусусида тўлқинланиб сўзлади. Давлат консерваториясининг иқтидорли талабалари ижросидаги дилрабо қўшиқлар шўх-шаън рақсларга уланиб кетди.

Биз шу куни фурсатдан фойдаланиб, "Прима Агробизнес" фермер хўжалиги иш юритувчиси Абдуҳамид Жалиловни суҳбатга тортдик.

– Бугунги тадбир учун бизнинг шийпон танланганидан бағоят хурсандмиз, – деди у. – Негаки, уни яқиндагина бунёд этиб, ишга туширдик. Бу биринчи кўнгилочар тадбир, десак ҳам бўлади. Шийпоннинг қурилишига 65 миллион сўм маблағ сарфланди, барча ишлар бир ярим ой ичида ниҳоясига етди. Эндиликда бу ер хўжалигимиз аъзоларининг доимий ошёнига айланди. Ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат, деҳқонлар тили билан айтганда тушдан кейинги дала чойларини шу ерда ташкил этаяпмиз. Қўйингчи, аъзоларнинг оилавий тадбирлари, туғилган кунлари, гап-гаштаклари ҳам шу ерда ўтаяпти.

– Қирқ йилдан ортиқ шу ҳудудда меҳнат қилдим, – дейди пенсионер Муҳаббат Раҳматуллаева. – Лекин, дала меҳнаткашлари учун бундай шарт-шароитни энди кўришим. Бугунгидек учрашувни айтмайсизми? Бунинг ҳаммаси юртимиз тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлигидан, деб биламан.

Ҳа, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам яқин. Юртдошларимиз ҳозирданоқ чинакам байрамона кайфиятда яшаяпти. Ҳадемай, бутун юртимиз тўйхонага айланади. Бинобарин, озод ва обод юртга тўю томошалар ярашади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**







**СУРАТЛАРДА:** Юқоричирчиқ туманидаги "Прима Агробизнес" фермер хўжалигида ўтган тадбирдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

## Бугуннинг гапи

# ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ НАЗОРАТ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Ёз ажойиб фасл, лекин йилнинг энг иссиқ ушбу мавсумида турли юқумли касалликлар тарқалиши хавфи ортади. Ўзбекистонда, қайси мавсум бўлишидан қатъи назар, эпидемияга қарши зарур чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бироқ, оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, айрим қўшни давлатларда яқинда ўта хавфли зооноз инфекциялар, яъни ҳайвондан одамга юқадиган куйдирги ва қутуриш касалликлари авж олгани қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Бахтиёр Ниёзматов мамлакатимиз санитария-эпидемиология назорати хизмати ушбу касалликларнинг ҳудудимизга кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида қандай ишларни амалга ошираётгани ҳақида сўзлаб берди.**

– Юртимизда бирон бир юқумли касаллик пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган доимий ва изчил ишлар ўз самарасини бермоқда. Негаки, мамлакатимизда бунга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилаётган эпидемияга қарши махсус тадбирларни ўз ичига олган ўзаро боғлиқ саъй-ҳаракатлар, ташқаридан инфекциялар кириб келишига йўл қўймаслик борасидаги ишларнинг назорат остига олингани ва аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётгани туфайли республикамизда барқарор эпидемиологик вазият сақланиб турибди.

Айниқса, давлат чегараси туташган жойларда фаолият кўрсатаётган санитария-назорат пунктлари томонидан назорат кучайтирилган. Бу ерларда ишлаётган мутахассислар мамлакатимизга ташриф буюраётган барча фуқароларни, касалликка чалинганликда гумон қилинган шахсларни аниқлаш мақсадида, тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Ташҳисни тасдиқлаш учун қўшимча текширувлар ўтказилмоқда, зарурат туғилганда эса бундай бемор зудлик билан шифохонага ётқизилиб, унга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу борада эпидемияга қарши тадбирлар катта аҳамиятга эгадир. Улар мунтазам амалга оширилади, лекин сайёрамизнинг бошқа минтақалари, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда юқумли касалликлар тарқалгани ҳақида маълумотлар пайдо бўлганда, бундай тадбирлар аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда янада кучайтирилади. Масалан, бугунги кунда айрим қўшни давлатларда куйдирги ва қутуриш касалликлари бўйича вазият кескинлашгани сабабли, Ўзбекистон санитария-эпидемиология назорати хизмати ушбу касалликларнинг ҳудудимизда пайдо бўлишининг олдини олиш учун алоҳида чора-тадбирларни кўрмоқда.

Бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ўтказиш жуда муҳим. Мисол учун, ҳаммамизга маълумки, қутуриш касаллиги ҳайвоннинг тишлаши ёки сўлаги тегиши орқали юқади. Бундай ҳолатда зудлик билан шифокорга мурожаат қилинмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бугун шифохоналарнинг барча жарроҳлик ва травматология бўлимлари, поликлиникалардаги травматология пунктлари ҳамда махсус хоналар ушбу касалликка қарши вакцина билан тўлиқ таъминланган. Яна шуни таъкидлаш керакки, бу бепул, замонавий ва ниҳоятда таъсир кўрсатадиган вакцина бўлиб, бир курс даво олиш учун аввалгидек 40 дан ортиқ эмас, балки 5 дозаси етарлидир. Жойларда ветеринария шифокорлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир уй ҳайвони қутуришга қарши эмланиши ва рўйхатга олиниши зарур. Уларни парваришлаш қоидаларига риоя қилиш лозим. Айниқса, номаълум ҳайвонларга яқинлашмаслик, улардан болаларни эҳтиёт қилиш керак. Аҳоли булар ҳақида оммавий ахборот воситалари – газеталарда чоп этилаётган мақолалар, радио ва телевидениеда берилаётган эшиттириш ҳамда кўрсатувлар орқали бохабар қилинмоқда. Бундан ташқари, яшаш жойларида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилмоқда, тегишли плакатлар чиқарилмоқда.

Куйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича ҳам тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Чорва молларнинг ветеринар кўригисиз сўйилиши, касал ҳайвонлар гўштини нимталаш, етарли даражада термик ишлов берилмаган гўштни истеъмол қилиш одамларнинг бу касалликка чалинишининг асосий сабаблари саналади. Шу боис лоҳасликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши биланоқ тезда шифокорга мурожаат қилиш даркор.

Бундай ёрдам малакали ва ўз вақтида кўрсатилиши учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур доирасида барча тиббиёт ходимлари юқумли касалликлар бўйича қўшимча ўқитилмоқда. Шу билан бирга, республикамиздаги юқумли касалликлар шифохоналари зарур ташҳис қўйиш ва даволаш ускуналари, керакли дори-дармонлар билан таъминланган. Жойлардаги вазият тўлиқ назорат остига олинган. Бу ишларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кечаю кундуз фаолият кўрсатаётган Республика эпидемияга қарши штаби, вилоят ва туманлардаги штаблар бажармоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда нафақат ушбу юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, балки уларнинг кириб келиши ва пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида эпидемияга қарши комплекс назорат амалга оширилмоқда.

**ЎзА мухбири А. ИВАНОВА ёзиб олди.**

# ПАРРАНДА ГРИППИГА ҚАРШИ

**Пойтахтдаги "Дедеман" меҳмонхонасида Ўзбекистонда парранда гриппининг олдини олиш бўйича лойиҳа доирасида вазирликларнинг ахборот хизмати ходимлари учун матбуот брифинги бўлиб ўтди.**

Брифинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар парранда гриппининг дунё бўйича тарқалиши ва унинг салбий ҳолатлари, касалликка қарши кураш борасида олиб борилаётган амалий ишлар кўлами ва унда Ўзбекистоннинг иштироки хусусида тўхталиб ўтишди.

**"Туркистон-пресс".**

## Иқтисодиёт

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Маълумки, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига келиб, собиқ Иттифоқ таркибига кирувчи мамлакатлар мустақил давлатлар бўлиб ажралиб чиқди ва уларнинг аксарияти янги ташкил этилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) тузилмасига аъзо бўлдилар.**

Ўтган йиллардаги тажрибалар МДҲга аъзо бўлган мамлакатларнинг икки ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасидаги тенг ҳуқуқли шериклик негизида ўзаро фойдали ҳамкорлиги учун кенг имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади. Бундай ҳамкорлик уларнинг нафақат ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро чатишиб кетганлигига, шу билан бирга, теран тарихий илдизларига, маданий ва маънавий алоқаларига, халқлари тақдирларининг узоқ тарихий давр мобайнидаги умуммиллийлигига асосланади. МДҲга аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан ҳисобланишади.

МДҲ мамлакатлари орасида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик мамлакат иқтисодиёти ва минтақанинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё Европа ва Осиё қитъалари марказида жойлашган ва қадим замонлардан бери савдо ва саёҳат йўлларининг муҳим кесишган жойи ҳисобланади.

Марказий Осиё мамлакатлари савдо-иқтисодий алоқаларини фаоллаштириш улар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналиши, савдо соҳасида ўрнатилган эркин савдо тартиби эса, умуман, минтақада ўзаро савдо даражасини юксалтиришнинг таъсирчан механизмидир. Бугунги кунда 50 миллиондан зиёд одам истиқомат қилаётган минтақа йирик саноат, қишлоқ хўжалиги, маъданли, илмий-техникавий ва ички ресурсларига эга бозорлардан бири. Минтақавий иқтисодий интеграция нафақат жаҳон бозоридаги рақобатдан ҳимоя қилиш усули, шу билан бирга глобаллашув туфайли кенгайиб борадиган иқтисодий экспансиядан ҳам ҳимояланиш, демакдир. У ҳар бир мамлакат тараққиётининг барқарорлигини ва мустақиллигини таъминлаш усулидир.

Марказий Осиёдаги иқтисодий иттифоқ ўзига аъзо ҳамма иштирокчилар учун улар иқтисодиётларига қўшимча нисбий афзалликларни яратиш ва динамик иқтисодий ўсиш йўлига чиқиб олиш имконини беради. Бундай иттифоқнинг афзалликларига қуйидагиларни киритиш мумкин: минтақа энергетика, маъданли ва қишлоқ хўжалик хом ашёсининг ҳамма турлари билан ўзини ўзи тўлиқ таъминлаши; иқтисодиётнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши, кооперация ва биргаликдаги инвестициялар асосида нисбатан қисқа давр ичида юксак даражадаги тайёргарликка эга, рақобатга қобилиятли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ташкил этишга имкон берадиган умумий ишлаб чиқариш салоҳияти; юксак малакаси ва маълумот даражаси билан тавсифланадиган меҳнат ресурслари, ишчи кучининг паст қимматлиги; экологик хавфсизликка эришиш; юксак фан-техника салоҳияти. Бу ўринда шуни қайд қилиш керакки, хорижлик инвесторлар учун Марказий Осиёдаги мамлакатлардан ҳар бирига нисбатан уларнинг бирлашган бозори кўпроқ қизиқиш уйғотади ва чет эллардаги ишбилармон доиралар вакиллари минтақада юз бераётган интеграция жараёнларини ҳисобга олиб, биргаликдаги лойиҳалар амалга оширилишида иштирок этиш даражасини белгилашади.

Кучларни бирлаштирган ҳолда янада ишончли шериклар ва халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Анвар БАХРОНОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси.**

**Маълумки, 2006 йилдан буён "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан талаба ёшларни моддий-маънавий ҳамда ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ёзги таътил даврида уларнинг бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб этиш ва ишсиз ёшларни вақтинчалик иш билан банд этиш ҳамда қўшимча даромад олиш имконини яратиш мақсадида, "Олий таълим муассасаларидаги талабалар, умуман ёшлар ўртасида меҳнат ҳаракати фаолиятини ташкил этиш" лойиҳаси амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.**

# БУНЁДКОР ЁШЛАР

Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, Тошкент Давлат аграр университети, вилоят Давлат педагогика институти ҳамда Навоий Давлат кончилик институти Олмалиқ кон металлургия факультети билан ҳамкорликда "Бунёдкор" талаба-ёшлар меҳнат гуруҳлари ташкил этилди.

Уларни иш фаолиятига тантанали кузатув маросими Навоий Давлат кончилик институти Олмалиқ кон металлургия факультетида ўтказилди. Тадбирда университет раҳбарияти, талабалар ҳамда "Камолот"нинг вилоят бўлими кенгаши ходимлари иштирок этишди.

Олий ўқув юртларида таълим оладиган 18 ёшдан 30 ёшгача талабалардан ташкил топган "Бунёдкор – 2009" меҳнат отрядлари учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатида меҳнат фаолиятини олиб бориш мавсумий иш жадваллари тузилган. Мавсумнинг дастлабки босқичи бошлаб юборилди.

Улар махсус иш кийимлари, иссиқ овқатлар билан таъминланган.

Меҳнат отряди фаолияти давомида талабаларда Ватан равнақи, халқ фаровонлигига йўналтирилган бунёдкорлик туйғусини шакллантириш борасида турли тадбирлар ташкил этилди. Шу билан бирга улар орасидан энг фаол аъзоларни рағбатлантириш мақсадида "Энг яхши меҳнат отряди", "Меҳнат отрядининг энг фаол аъзоси" каби танловлар, "Камолот"да менинг ўрним", "Биз "Камолот" билан" мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

## Барака – ҳаракатда

# ШОНАЛАР ШОДА-ШОДА

**Шиғил шона – мўл ҳосилдан нишона. Бу – пахтакорларнинг гапи. Аммо, бу шоналар юз фоиз гулга, бўлиқ кўсакларга ва вақти келиб, лўппи пахтага айланиши учун ўртада анча иш борлигини уста деҳқонлар яхши билишади. Билишгани учун ҳар бир туп ғўза атрофида парвона бўлишади.**

Айниқса, бу йилги об-ҳаво шароити ғўзага айнан шундай муносабатни талаб этди. Ҳозир шу талабга амал қилган фермерлар даласида кўчат текис, тўлиқ ва бўлиқ.

Оққўрғон туманидаги "Фотима-Валишер" фермер хўжалиги ғўзаси ҳақида шу фикрни айтиш мумкин. Хўжалик раҳбари Шерназар Раҳмонов ғўза ниҳолларидан ўғитни аямади, тагини юмшатиб, илиқлик ва ҳаво беришдан эринмади. Мана энди ўз саъй-ҳаракатлари самарасини кўриб, қувониб юрибди. Шоналар шиғил. Олди туплар гул кўрсатди.

– Апрелнинг ўрталарида экишни бошлаган бўлсак, ўшандан буён берган азотли ўғитларимиз гектар ҳисобига 400 килограммдан ошди-ёв, – дейди Ш. Раҳмонов. – Бу билан қаноатланмай, беш марта, шу жумладан икки марта чуқур культивация қилдик. Ўргимчакканага қарши карбамид билан олтингугурт қайнатмасидан икки марта суспензия (ИСО) тайёрлаб, сепдик.

– Хуллас, ғўза обдон ўзини тутиб, ёппа шонага киргунча, хўжалигимизнинг 30 аъзоси тиним билмай ишлади, – дейди мутахассис Пардабой Абдураҳмонов. – Қайта-қайта чопиқ қилиб, бирорта бегона ўт қолдиришмади. Бу орада ғўзани икки марта қондириб суғоришга ҳам улгурдик. Культивация билан қўшиб кетма-кет берилган ўғит шуни талаб қиларди.

Бугун хўжаликнинг 60,3 гектар майдонида яшнаб турган ғўза бирин-кетин гулга кира бошлади. Буни кўрган иш бошқарувчи, аниқроқ айтадиган бўлсак, фермернинг ўғли, Раҳмоновлар сулоласининг кенжа вакили Ҳасаннинг оғзи қулоғида.

– Бобом Эргаш Раҳмонов 14 йил колхозга раислик қилдилар, – дейди у. – Ширкатлар тугатилиб, фермер хўжаликлари ташкил қилингач, отам фермер бўлиб, бобомнинг ишларини давом эттираяптилар. Мен ҳам уларнинг изларидан ҳавас билан бораяпман.



СУРАТДА: (чапдан) ҳудудий муқобил МТП раҳбари Баҳодир Ҳошимов ва фермер Шерназар Раҳмонов гулга айланаётган шоналарни кўриб, қувонишмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ҲУҚУҚИНГИЗ – МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА

**Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Улар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.**

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан кафолатланган. Бу Асосий Қонунимиз – мамлакат Конституциясида ҳам ўз аксини топган. Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бунинг учун 1995 йил 30 августда "Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"-ги Қонун қабул қилинган. Бу қонунга биноан ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисида хабар топган ва юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой, ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган тақдирда, шикоят берганидан кейин бир ой ўтгач бир ой ичида судга мурожаат қилиши мумкин.

**Дилфуза АБДУЛЛАЕВА ТДПУ талабаси.**

*Ҳаёт сабоқлари*

# ОТАМГА БЕРСАМ БЎЛАРКАН...

Ўзаро суҳбатларнинг бирида ҳамқишлоғим Ҳикмат ака шу воқеани бир кулиб, бир хўрсиниб айтиб бергани қулоғимда қолган.

– Катта ўғлим ўқишини битириб, нуфузли идорага ишга жойлашди, – дея гап бошлаганди суҳбатдошим. – Ёз кунлари эди. Онаси билан кечга яқин ҳовлидаги супада у ёқ-буёқдан гаплашиб ўтирсак, ўғлимиз ишдан келиб қолди. Нимадандир хурсанд.

– Ойи, бугун биринчи маошимни олдим, – деди у биз билан сўрашиб, ёнимизга ўтираркан. – Мана, олинг.

Ўғлим шундай деб, бир даста пулни онасига тутқазди.

– Дадаси, ўғлимизни дуо қилинг, – деди аёлим пулни аста мен томон сураркан.

Фотиҳага қўл очдиму, ичимдан бир нарса узилгандек бўлди. Беихтиёр бундан ўттиз йил аввалги манзара кўз олдимда гавдаланди.

Ўшанда ҳам ёз оқшоми эди. Колхоз фермасида иш бошлаган эдим. Илк маошимни олган куним кечга яқин уйга қайтсам, раҳматли отам билан онам равонда чақчақлашиб ўтиришган экан.

Ҳовлиқиб чўнтагимдаги пулни чиқариб "Ойи, мана буни олиб қўйинг", дея илк маошимни онамга тутқазгандим. Отам йиғлаб дуо қилган эди. Ўшанда отамнинг кўнгли қанчалик зил кетганини бугун ўзим ҳис қилиб турибман. Мен нодон ўшанда маошимни отамга берсам бўлмасмиди...

**Ғанишер АЛИЕВ.**

# КЎНГИЛ НУРИ

Гоҳо ёшлик қилибми, билиб билмай яқинларимизни ранжитиб қўямиз. Биз олий ўқув юртларида ўқиб, бир неча чет тилларида булбулдай сайраб, техниканинг енгидан кириб, ёқасидан чиқиб, илм-фаннинг мураккаб дунёсини адашмай тадқиқ қилишимиз мумкиндир, аммо, ота-онамизнинг хоксор кўнгилларини ҳамиша ҳам тушунавермаймиз. Вақти келса андишани йиғиштириб, ўзимизни билағон ҳисоблаб, ҳаётий масалалар хусусида бетма-бет тортишамиз, баҳслашамиз. Катталарнинг вазминлик билан ён беришларидан эса ғолибона ғурурга тўламиз.

Аслидачи, бизни илму ҳунарга ошно қилиб, шу даражага етказган улар эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ёмғир ёғиб, кучли шамол бўлаётган бир оқшомда онамни ранжитиб қўйдим. Мен ақли ноқис ўзимча аразлаб, мени тушунмаганликда айбладим онамни. Зарда, жаҳл билан эшикни қарсиллатиб чиқиб кетдим, онам ортимдан индамай қараб қолаверди. Шу онда нималар ўтган экан кўнглидан?

Бир пайт электр токи ўчиб қолди. Ҳаммаёқ зулмат, ташқарида ёмғир. Қоронғида пайпасланиб, хонамга кириб ўрнимга ётдим. Бир неча дақиқалар ўтди. Эшик очилиб, онам қўлида эски мойчироқ билан кириб келди.

Ўзимни ухлаганга солдим. Онажоним бошимда бироз турдиларда, устимга кўрпа ёпиб, аста чиқиб кетдилар. Онам нафақат қоронғу уйни ёритиб келди, балки ҳувиллаб ётган кўнглимга ҳам бир нур илиб кетди.

Томоғимга нимадир тиқилиб, чуқур хўрсиндим. Кўзларимдан ёш қуюлиб кетди. Хато қилганимни англаб етдим.

Қаҳрга ҳам меҳр билан жавоб бериш оналарнинг азалий қисмати. Оналар бизни хатоларимиз билан ҳам яхши кўраверадилар.

**Маҳбуба ТЕМИРОВА.**



*– Катта бўлсам, терма жамоамизни, албатта, жаҳон чемпионатига олиб чиқаман!*

**Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.**

# РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

**Сингапурда 29 июнь – 7 июль кунлари ўсмирлар ўртасида I Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Келаси йили Сингапурда биринчи маротаба ўсмирлар ўртасида бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Осиё олимпия кенгаши қарорига биноан ташкил этилган ўйинларда қитъамизнинг 43 давлатидан бир минг уч юз нафарга яқин ёшлар қатнашди.**

Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган ўттиз бир спортчидан уч нафари – Юлдуз Кўчқорова 100 метрга чалқанча сузишда, Светлана Прошкина баландликка сакрашда, Руслан Қурбонов уч ҳатлаб сакрашда бронза медаль билан тақдирланди. Аслида бундай нуфузли спорт анжуманларида учта бронза медаль кам кўриниши мумкин. Лекин Сингапурдаги ўйинлар бўлажак Олимпиадага тайёргарлик вазифасини ўтагани, терма жамоамиз аъзоларининг аксарияти хориждаги йирик мусобақада илк маротаба иштирок этганини инобатга олсак, Осиё ўйинларидаги натижаларнинг салмоғи кам эмаслиги аён бўлади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз спорт мутахассисларининг таъкидлашича, вакилларимизнинг кўпчилиги ўзи қатнашган спорт турлари бўйича кучли ўнликдан жой олди ва ўз фаолиятидаги энг яхши кўрсаткичларни қайд этди.. Жумладан, Ю. Кўчқорова чалқанча сузиш баҳсларида икки марта Ўзбекистон рекордини яхшилади. Қизлар ўртасида 4x100 метрга эркин усулда сузиш эстафетасида ҳам мамлакатимизнинг йигирма йиллик рекорди янгиланди.

**ЎзА.**

*Одамийлик шеваси*

# ҲОРМАНГ, РАИС БУВА

Дунёда бировга беминнат яхшилик қиладиган хоксор инсонлар ниҳоятда кўп. Ўзим ҳам бир эмас, бир неча бор шундай инсонлар мурувватидан баҳраманд бўлганман.

Университетнинг журналистика факультетига ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларида бир-икки балл етмай, шартнома асосида ўқийдиган бўлдим.

Куз келиб, ўқиш бошлангач, университет ғазнасига шартномада кўрсатилган 145 минг сўмни тўлашим лозим эди. (У вақтлар бу пулга каттагина новвос берарди).

Дадам бор-йўқ пулини тўплаб, 100 минг сўм берди. Қолганини қарз-ҳавола қилармиз, дедик.

Мен қолган 45 мингни қаердан топишни ўйлаб-ўйлаб, дадам берган пулни олдиму, тўғри ширкат хўжалигимиз раиси ҳузурига кирдим. У вақтлар собиқ хўжаликлар анча иқтисодий ночор аҳволга тушиб, бир-иккитаси аста-секин фермер хўжаликларига тарқатила бошлаётган дамлар эди.

Раис бувага ўқишга иштиёқим зўрлигини айтиб, масалани кўндаланг қўйдим:

– Шу пулни олсангизу, ширкат ҳисобидан шартномада кўрсатилган суммани тўлиқ ўтказиб берсангиз, – дедим.

– Ҳм, журналист бўлмоқчиман, дегин, – деди раис мақсадимни англагач, – Афсус, сенга ёрдам беролмайман. Ҳозир йил охирлаяпти, ҳисоботлар чала. Буёғи хўжалик ғазнасида ҳам шамол ўйнаяпти. Планлар яхши бўлмади. Устига устак вилоятдан комиссия ўтирибди.

– Бир иложини қилмасангиз бўлмайди, раис бува, – дедим йиғламоқдан бери бўлиб. – Эртага ўқишни битириб мухбир бўлсам, сиз ҳақингизда, ширкат ҳақида мақтаб ёзаман. Қарзимни узаман.

Раис аҳволимни тушунди шекилли:

– Ҳай, майли, сен пулингни ташлаб кетавер, бир иложини қиларман, – деди. Кейин қўшиб қўйди: – Бизнинг, қишлоқдан ҳам журналист чиқсин-да!

Мен қайта-қайта раҳмат айтиб қўлимдаги қора портфелни (ичида 100 минг сўм пул бор эди) ва шартнома қоғозини раиснинг столида қолдирдим.

– Уч кундан кейин эрталаб хабар оларсан, – деди Раис бува эшикка борганимда.

Уч кундан кейин эрталаб идорага бордим. Аммо, раисни учрата олмадим. Котибаси "юқорига" чақириб қолишганини баҳона қилди. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, қайтай деб турсам, чап тарафдаги "Бош иқтисодчи" деб ёзиб қўйилган эшик очиқ экан. Ичкарида кимдир телефонда гаплашарди.

"Менинг ишимни эҳтимол шу киши билар", деган ўйда очиқ эшикдан кирдим.

Иқтисодчи гапимни охиригача эшитмасданоқ мақсадимни тушунди.

– Сенми, бўлажак журналист? – у шундай деб ўрнидан турди-да, шарақлатиб катта темир қутини очди ва ундан ўзим ташлаб кетган қора портфелни олиб, менга тутқазди: – Раис бувам шуни бериб қўйишимни тайинлагандилар.

Эҳ, демак ишим битмабди. Астойдил ранжидим.

– Ҳеч нарса демадиларми! – деб сўрадим сўнгги илинж билан.

Иқтисодчи "нима дейиши керак эди", дегандек елка қисди.

Ноилож портфелни олиб, уйга қайтдим. Уйга бориб, беихтиёр пулларимни санадим. Қизиқ, пулим кўпайиб қолгандек бўлди. Ҳовлиқиб қайта санадим – кўп. Нақ бир юзу қирқ беш минг чиқаяпти. (Ҳалиги шартномада кўрсатилган пул). Бу шубҳасиз, раис буванинг саховати эди. Ўшанда қанчалик қувонганимни бир кўрсангиз...

Мана, ўқишни ҳам битирдим, мухбир ҳам бўлдим. Лекин мен ваъдамни бажара олмадим. На ўша ширкат ҳақида, на унинг собиқ раиси ҳақида бир нарса қораламадим. Бу орада ширкатлар тугаб, ер ҳақиқий эгалари – фермерлар қўлига ўтиб кетди.

Хизмат юзасидан жойларга чиққанда кўраман, кўпгина собиқ раис бувалар ўзлари раҳбарлик қилган хўжаликнинг энг серҳосил ерларига эга чиқиб, фермерлик қилишаяпти. Бизнинг раис бува эса бундай қилмади, ширкат тарқагач, маҳалла-кўй, жамоат ишлари билан овунди.

Лекин, у қаерда бўлмасин, нима иш қилмасин, мен учун умрбод раис бува – тамом. Ҳали-ҳануз тўй-маъракаларда кўришиб қолсак, "Ҳорманг, раис бува!" деб қўяман.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

*Бу – қизиқ*

# АНТИҚА САРТАРОШ

Америкалик моҳир сартарош Пиерто Санторонинг мижозлари сочларини турмаклатиш ниятида бир неча кун илгари навбатга ёзилишади. Пиерто хизмат ҳақи учун ҳар битта мижоздан 35 доллар олади, бу эса америкаликлар учун анчайин қиммат нарх ҳисобланади.

Унинг мижозлари ҳам оддий одамлар эмас, банкчилар, кино ва эстрада юлдузлари, мамлакатнинг нуфузли кишилари. У умуман қўлига қайчи олмайди. Мижозларининг сочларини олов билан текислаб, турмаклайди. Қўлида шам тутганича ундан чиқаётган аланга ёрдамида сочларни керакли кўринишга келтиради. Пиертонинг айтишича, бу қадимий итальянча соч олиш усули бўлиб, қайчи теккизмай, аланганинг тиғи билан олинган, текисланган сочлар ўз табиийлигини йўқотмайди, мустаҳкамлигини сақлаб, рангини тиниқлаштиради. Бунга Пиертонинг мижозлари ҳам амин бўлишган. Шунинг учун, қиммат бўлса ҳам устанинг қабулига навбатда туришади.

*Билиб қўйган яхши*

***Апельсин пўчоқларидан куя капалагига қарши восита сифатида фойдаланиш мумкин. Жумладан, мўйнали, жун кийимлар елим халталарга жойлаштирилганида апелсин пўчоқлари ташлаб қўйилса, куя капалаги яқинлашмайди.***

△ △ △

***Уйда писта, седана, ялпиз ва турунж (цитрус) пўстлоғини тутатиш йўли билан ҳам куя қуртини йўқотиш мумкин.***

△ △ △

***Ялпизни қуритиб, туйиб, жунли матога сепиб қўйилса, куя қуртидан яхши сақлайди.***

△ △ △

***Чивин-искабтопарлардан қутулиш учун кўлмаклар, кўпқаватли бино ертўлаларида сизиб ётадиган сувларни қуритиш лозим. Мабодо бунинг иложи бўлмаса, кўлмак жойга ярим пиёла керосин қуйиб юборилса, у юпқа парда ҳосил қилиб сув сатҳини қоплайди. Шунда ҳавосизликдан барча чивин ғумбаклари қирилиб кетади.***

△ △ △

***Исириқ уруғини сувда ивитиб, атрофга сепилса чивинлар қочади.***

**Файзулла АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**


ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ**

2009 йил 10 июлдан 20 июлгача Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 471-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасига тегишли бўлган бинони тўлиқ таъмирлаш ишларини бажариш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида

**ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ЎТКАЗАДИ.**

***Танлов қатнашчилари қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин: 233-69-17.***

***Манзилимиз: Тошкент ш., Миробод тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 15-уй.***


*Рассом ҳандаси*




Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

# ТАДБИРКОРЛИК

Ҳажвия

Ишдан олинган одамлар ҳақида эшитгансиз, биласиз. Аммо мен ҳикоя қилмоқчи бўлган ишдан кетиш воқеаси тушингизга ҳам кирмаган бўлса керак. Воқеа мактаб боғи билан ошхонани туташтирувчи чорраҳада рўй берди.

Директор ўринбосари Олимжон (нима бўлганда ҳам раҳбар-да) олдинда, биз эса, орқада (оддий ўқитувчилармиз-да) ошхона томондан келардик. Боғ томондан қоровулимиз Соли бува аравасига ўт юклаб чиқиб қолди.

– Ҳа, бобой, – ковлаётган чўпини тишидан олиб, оғзидаги гўшт қолдиғини йўлга туфлаб олгач, Олимжон гапини давом эттирди. – Уйгами? Бу ўтларни бизнинг ҳовлидаги мол-қўйлар емасмикан, а?

Ўзи ошхонадан жиндай-жиндай томоқ ҳўллаб, аския қилиб чиқаётгандик. Олимжоннинг гапи унча кулгили бўлмаса-да, "ҳо-ҳо"ладик, раҳбаримиз, ҳурматларини жойига қўйиш керак.

Бобой тишсиз оғзини очиб, кулгимизга қўшилди: уям мактабда ишлайди-да.

– Биздаям мол-қўй бор, аммо уни мактабнинг боғидаги ўт-ўлан билан боқмаймиз, – деди Олимжон жиддий.

– Энди, ўғлим, бегона ўтлар... Тураверса ёғинсочинда чириб, йўқ бўлиб ҳам кетади, – деди Соли бува гуноҳкордай.

– Чириб кетмасди, мактабниям ейман-ичаман деган қўйлари бор, – деди Олимжон.

Директоримиз Дадахон ака бундан икки ойларча бурун ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанди. Энди бир нарсани билмаса, раҳбар бўлмайди, бир нарсани бошламайди, деб фикрларини маъқуллагандик. Ўқитувчилардан, ўқувчилардан оз-оздан пул тўпладик. Дадахон аканинг ўзлари бориб икки бош қўй, тўртта қўзичоғи билан олиб келди, ёрдамчи хўжалик ташкил бўлди.

Э, бобой буларни қаёқдан ҳам билсин! У ёрдамчи хўжаликнинг тақдимот маросими – "ювди-ювди"си куни қоровул сифатида иш бошлаганди.

Олимжон ана шу ёрдамчи хўжалигимиздаги қўйларни назарда тутганди, биз унинг гапини маъқуллаб, "Тўғри, тўғри", дедик, бош қимирлатдик.

– Бунинг отини, – Олимжон ҳар сўзини урғулаб давом этди, – ташмачилик, ўғирлик, дейдилар, бобой!

Соли буванинг кулиб турган юзи жойида қотди. Олимжонга хўмрайиб тикилди. Сўнг:

– Ҳали сенлар тўғри-ю, мен ўғри, муттаҳам, ташмачи бўлиб қолдимми? Э, ўргулдим сенлардан! Мактабингни елкамнинг чуқури кўрсин! Ишламаганим бўлсин, кетдим! – деди-да, аравасидаги ўтни олдимизга ағдариб, шартта ортига бурилиб, биздан узоқлашди.

– Кетса, кетиб ўлсин, – дедик ўринбосаримизни қўллаб-қувватлаб. – Қишлоқда қоровул бўламан, деб юрганлар сон мингта.

Аммо бува ёрдамчи хўжалигимиз – қўйхона томон юрди. Унинг эшигини очиб, ичкарига кирди. Кейин... Қўйларни олдига солиб ҳайдаганча ишдан... кета бошлади!

Анграйиб қолдик. Албатта, Олимжон раҳбарлигида унинг йўлини тўсиб:

– Бу нима қилганингиз? Қўйларни қаёққа олиб кетяпсиз? Нима ҳаққингиз бор? – дедик.

Аммо миясини еган чол, саволларимизга жавоб бериш ўрнига:

– Қоч! Йўлимни тўсма! Сенлар тўғри, мен ўғри! – дея қўлидаги хипчин билан солиб қолишига сал қолди.

Соли бува кетди. Қўй-қўзиларни олдига солиб, ҳайдаганча ишдан кетди!

Биз эса елка қисиб, лаб буриб, ўз таажжубимизни бир-биримиз билан ўртоқлаша кетдик.

Энг ажабланарлиси, тумандаги йиғилишдан қайтган директоримиз Дадахон ака воқеани эшитиб, бир сўз демади. Боши билан имо қилиб, Олимжонни хонасига бошлаб кириб кетди. Улар ўртасида қандай гаплар ўтган, бизга қоронғу. Аммо, эртасига муаммони ўта зукколик ва тадбиркорлик билан ҳал этилганига эртасига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик: икки бош қўй, тўртта қўзичоқ, ранглари бошқачароқ бўлса-да, ёрдамчи хўжалигимиз биносида кавш қайтариб турарди, тепаларида янги қоровулимиз билан.

**Саид АНВАР.**


Шайхонтоҳур туман БТИ томонидан Шайхонтоҳур тумани, Гулханий кўчаси, 5-уй, 37-хонадонга тегишли Шоимов Баходир Болтабойивич номига берилган уй план ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные документы – устав, учредительный договор, гувохнома, выданный Мирзо-Улугбекским хокимиятом ООО "FAYZ PLUS" (ИНН 205815939), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими директори Гулсанам Ваҳобовага волидаи муҳтарамаси **Мукаррам ая БАРАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Хуршида НАЗАРОВА

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-640. Адади 5005. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 5 6 7 8 9